
Ҳурматли тадбиркорлар ва ўз фаолиятини кенгайтириш истагида бўлган ишбилармонлар

Ҳурматли тадбиркорлар ва ўз фаолиятини кенгайтириш истагида бўлган ишбилармонлар!!!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 августдаги “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 672-сонли қарорига асосан, Фарғона вилоятида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва кенгайтириш учун яна бир қулай имконият яратилди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “кичик саноат зоналари ягона бошқариш дирекцияси” ҳудудидаги ишлаб чиқариш майдонлари тадбиркорлик субъектларига, давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун энг кам ижара тўлови ставкаси бўйича, ижарага олинган майдонда амалга ошириладиган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда, тегишли коэффицентларни кўллამасдан узоқ муддатли ижарага берилади.

Ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига - саноат зоналарида жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларини, уларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ, электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган.

Эндиликда, Марғилон шаҳридаги “Марғилон кичик саноат зонаси” дирекцияси балансида бўлган ҳудудларда барча муҳандислик коммуникация тармоқлари билан узлуксиз таъминланадиган кичик саноат зонаси ташкил этилиб, у ерда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзланган, кўшимча иш ўринларини яратиб, фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида бўлган тадбиркорлик субъектлари жойлаштирилмоқда.

Тасдиқланган жойлаштириш схемасига мувофиқ, Марғилон шаҳар кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси балансида бўлган собиқ “Кишлоқ қурилиш базаси”нинг бино ва иншоотларида тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган 4,89 гектар майдонда 2 та ҳудудлар қуйидаги лотлар асосида танловга қўйилади. Танловда озик-овқат, чарм-поаябзал, қурилиш маҳсулотлари, кимё саноат, фармацевтика, мебел маҳсулотлари, тикувчилик ва тукимачилик маҳсулотлари ва ҳалқ хўжалиги учун зарур бўлган ишлаб чиқарувчилар таклиф қилинади.

17-лот Бўш турган майдон, умумий майдони 270,64 кв.м, янги бино қуриш шarti билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 5 та;

22-лот Бўш турган майдон, умумий майдони 617,5 кв.м, янги бино қуриш шarti билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 10 та.

Тасдиқланган жойлаштириш схемасига мувофиқ, Марғилон шаҳар кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси балансида бўлган собиқ “Улгуржи савдо базаси”нинг бино ва иншоотларида тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган 5,63 гектар майдонда 9 та ҳудудлар қуйидаги лотлар асосида танловга қўйилади:

6-лот Омборхона биноси ва унга туташ ҳудудлар, умумий майдони 907,20 кв.м, қурилиш майдони 907,20 кв.метр, бино баландлиги 5,15 метр, бино қуриш шarti билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 20 та;

8-лот Омборхона биноси ва унга туташ ҳудудлар, умумий майдони 1070,06 кв.м, қурилиш майдони 1070,06 кв.метр, бино баландлиги 4,1 метр, бино қуриш шarti билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 25 та;

10-лот Омборхона биноси (ертўласи мавжуд) ва унга туташ ҳудудлар, умумий майдони 1410,93 кв.м, қурилиш майдони 1410,93 кв.метр, ертўла майдони 1410,93 кв.метр, бино баландлиги 3,8 метр, (ертўла баландлиги 3,95), бино қуриш шarti билан, яратиладиган иш

ўринларининг энг кам миқдори 30 та;

11-лот Омборхона биноси ва унга туташ ҳудудлар, умумий майдони 1150,67 кв.м, қурилиш майдони 1150,67 кв.метр, бино баландлиги 4,8 метр, бино қуриш шarti билан, яратиладиган иш

Ўринларининг энг кам миқдори 20 та;

12-лот Омборхона биноси ва унга туташ ҳудудлар, умумий майдони 884,52 кв.м, қурилиш майдони 884,52 кв.метр, бино баландлиги 4,8 метр, бино қуриш шарти билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 15 та;

13-лот Омборхона биноси ва унга туташ ҳудудлар, умумий майдони 884,52 кв.м, қурилиш майдони 884,52 кв.метр, бино баландлиги 4,8 метр, бино қуриш шарти билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 15 та;

17-лот Бўш турган майдон, умумий майдони 500,0 кв.метр, янги бино қуриш шарти билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 10 та;

18-лот Бўш турган майдон, умумий майдони 709,22 кв.метр, янги бино қуриш шарти билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 12 та;

19-лот Бўш турган майдон, умумий майдони 709,22 кв.метр, янги бино қуриш шарти билан, яратиладиган иш ўринларининг энг кам миқдори 12 та.

Энг яхши лойиҳалар саноат зонаси ҳудудига танлов асосида жойлаштирилади. Танлов таклифини тақдим этишда қуйидаги ҳужжатлар албатта мавжуд бўлиши лозим:

давлат рўйхатидан ўтганлиги туғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

муҳрланган конветртга солинган бизнес-режа. унда қуйидаги маълумотлар албатта ўз аксини топиши лозим:

режалаштирилаётган ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва маҳсулот турлаш туғрисидаги маълумот;

яратиладиган янги иш уришшири сони ва кичик саноат зонаси ҳудудида иш фаолиятини бошлагандан сўнг қабуд қиладиган ишчилар сони туғрисидаги маълумот;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, молиялаштиришнинг аниқ манбалари;

инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш шартлари;

ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун талаб этиладиган хом-ашё ресурсларининг манбалари, фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги;

маҳсулот реализациям учун мулжалланган бозорнинг эгалланганлиги. аниқ харидор ёки мижозларнинг мавжудлиги. экспорт ҳажми туғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса.)

Ҳурматли тадбиркорлар, кичик саноат зонасида тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун туман ҳокимлигида Ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, юзага келиши мумкин бўлган барча муаммо ва тўсиқлар оператив тарзда ҳал этилади.

Бундан ташқари, киритиладиган инвестиция ҳажмига қараб, юридик шахсларнинг фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловидан имтиёзлар кўзда тутилган.

Шошининг, қулай имкокиятни кўлдак бой берманг.

Танлов савдоларига ҳужжатлар 2018 йил 2 август кунига қадар “Марғилон шаҳар кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси” томонидан қабул қилинади. Танлов савдолари 2018 йил 6 сентябр кунини соат 10-00 да вилоят ҳокимлигида ўтказилади.

Қизиқтирган саволлар юзасидан Марғилон шаҳар ҳокимлигининг
253-73-22, 253-42-69 ҳамда Фарғона вилоят рақобат бошқармасининг
244-04-41, 244-04-43 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

2 / 3

